

Аскари қувватли мамлакат бой булур, бой мамлакатнинг аскари қувватли булур.

АМИР ТЕМУР

Беруний тумани маълумот кооперацияси улгуржи чакана савдо ҳиссадорлик жамияти уз оталигидаги Алишер Навоий номидаги урта мактаб укучиларига ва 8-бонапар богчасининг 100 нафар тарбияланувчисига 64 минг сумлик совға-сапом улашди.



# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган

1998 йил 14 январь, чоршанба

Баҳоси согувда эркин нархда

№ 4 (7001)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган музейлар тизмини янада такомиллаштириш, уларнинг халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида тутган урнини охириги, музей фондларида сақланиб келётган халқимиз бой тарихини, мустақиллигимиз олдимилигини ақс эттирувчи ноёб, ноқадрият экспонатларни авайлаб асриш, урганиш, бойитиб бериш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгли мисли гурур ва ифтихор, истиқлол ва ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йулида кенг фойдаланиш, музейларни замон талабларига мос юкори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаб, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қудлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Республикадаги Маданият ишлари вазирлиги, бошқа вазирлик ва идораларга тегишли барча турдаги маъжуд музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қудлаб-қувватлаш ва уларга зарур илмий-услубий ёрдам курастини таъминлаш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги қошида музейларни қудлаб-қувватлаш республика «Ўзбекмузеи» жамгармаси ташкил этилсин.

Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамда турли муассасалар, шунингдек, хорижий ташкилотлар жамгарма ҳаммуассаслари булиши мумкинлиги инобатта олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамгарма низоини белгиланган тартибда руйхатдан утказсин.

2. «Ўзбекмузеи» фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Музейларда ўзбек халқининг бой маданият мероси, унинг инсоният тарихидки ўрни, таракқиёт босқичларини ҳаққоний ақс эттириш ҳамда замонавий ривожланиш истиқболларини чуқур урганиб, миллий мустақиллик гоёларига мос экспозициялар яратиш, музейшуносликда умуммиллий сиёсатнинг амалда оширилишини таъминлаш;

мамлакатимиз фуқароларини чет элларда сақланаётган тарихимизга оид осори-атиқалар билан кенг таништириш ҳамда музейларимиздаги ноёб экспонатлар орқали халқ онгда умум-башир кадриятларга, улкан ва бой миллий-маданият меросимизга ҳурмат-эҳтиром, ватанимизнинг буюк келажакига комил ишонч туйғуларини тарбиялаш; музейшунослик соҳасида халққаро алоқаларни, узаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистонда ва хорижда кенг кургазма фойдали орқали мамлакатимизнинг бой тарихи, бугунги ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, музейларда сақланаётган ноёб экспонатларини жаҳон миқёсида тарғиб этиш;

Худудий, идоравий буйсунушдан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар музей фаолияти билан шугулланувчи барча ташкилотлар ишларни мувофиқлаштириш, уларга илмий-услубий раҳбарлик қилиш, илмий муассасаларни музейшуносликни ривожлантиришда фаол иштирок этишига жалб қилиш;

Музейлар фондигаги экспонатларнинг ягона руйхатини юритиш, уларнинг муҳофаза шароитларини доимий, қатъий назоратта олиш, бу соҳада тегишли меъсрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш; музейшуносликка замонавий техник воситаларни татбиқ этиш, улардан самарали фойдаланишга оид дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалда оширишга қумаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Балвий академияси, «Олтин мерос» халққаро хайрия жамгармаси ҳамда тегишли вазирлик ва ҳокимликлар билан биргаликда: икки ой муддатда мамлакатимиздаги музейлар фаолиятини янада яхшилаш ва такомиллаштиришининг илмий концепциясини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этисин.

Бир ой муддатда мустақил Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кунини тарғиб-таъриф қилишда алоҳида аҳамиятнинг эътиборга олиб, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темирйўлар тарихи давлат музейи, Халқ амалий санъати музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона давлат музей-қурхоналарини

нинг ривожланиши ва молиявий таъминоти буйича алоҳида дастур ишлаб чиқсин.

Дастурни амалда оширишни мувофиқлаштириш «Ўзбекмузеи» жамгармаси зиммасига юклансин.

Тегишли ташкилот, муассасаларнинг ушбу музейларга ҳокимлик қилиш ҳақидаги тақдирлари эътиборга олинсин.

4. Адлия, Маданият ишлари вазирликлари давлат Божхона қумитаси, Фанлар академияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ноёб маданият бойликларини сақлаш, мамлакатдан олиб чиқиш, мамлакатта олиб кириш ва шу масалалар билан боғлиқ булган бошқа муносабатларни тартибга солиш учун лойиҳасини ишлаб чиқсин.

5. Ноёб маданият бойликларини сақлаш, мамлакатдан олиб чиқиш, мамлакатта олиб кириш ва бошқа масалалар билан боғлиқ бутун масъулият Маданият ишлари вазирлиги (Х. Жураев), Фанлар академияси (Т. Жураев), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Давлат божхона қумитаси (У. Комилов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) зиммасига юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Балвий академияси ва Давлат мағбуот қумитаси мамлакатимиз аҳолисининг музейшунослик маданиятини ошириш, уларни меросимиз ва қадриятларимиздан бағбардор қилиб бериш ҳамда мутахассислар, музей хошимларининг музейшунослик соҳасидаги илмий ишларини чоп этиш, бу соҳадаги ютуқларни тарғиб қилиш, музей хошимларининг касбий малакасини ошириш мақсадида уч ойда бир марта ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журналин таъсис этилсин.

7. «Ўзбекмузеи», унинг бўлим ва корхоналари, музейларнинг асосий ва қўшимча фаолиятидан олинадиган даромадлари 5 йил муддатта барча турдаги давлат солиқларидан, божхона ва бошқа туловлардан озод этилсин.

Солиқдан озод этилиши натижасида йиғилган маблағларнинг соҳани янада риволантиришга, унинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга, шунингдек, ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш ишларига сарф-лаштириш назарда тутилсин.

Турли ташкилот ва ҳокимиятнинг даромаддан туғайдиغان солиқ буйича базаси уларнинг музейлар фаолиятини яхшилаш учун утказадиган пул маблағлари миқдорига монанд қисқартирилиши белгилаб қуйилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва Молия вазирликлари Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда музей хошимларини ижтимоий ҳимоялаш ва ойлик маошларини ошириш юзасидан тақдирларни ишлаб чиқиб, бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этисин.

9. «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йуллари» миллий авиакомпанияси бошбарлик қилиш, илмий муассасаларни музейшуносликни ривожлантиришда фаол иштирок этишига жалб қилиш;

Музейлар фондигаги экспонатларнинг ягона руйхатини юритиш, уларнинг муҳофаза шароитларини доимий, қатъий назоратта олиш, бу соҳада тегишли меъсрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш;

Музейшуносликка замонавий техник воситаларни татбиқ этиш, улардан самарали фойдаланишга оид дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалда оширишга қумаклашиш.

10. Музейларнинг давлат ҳамда маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминланишининг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.


11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Макроиктисод ва статистика вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда музей ишюоиларини қуршиш ва тулик таъмирлаш ҳамда уларни замонавий жиҳозлаш учун зарур булган техника воситаларини сотиб олиш ва Фармонда белгиланган вазифаларни амалда ошириш учун зарур маблағларни 1998-1999 йилларда ажратсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зарур узарттишлар киритиш туғрисидаги тақдирларни ишлаб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармоннинг бажарилишини таъминлаш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 12 январь.



## 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

бу хусусдаги махсус саҳифамизни 3-бетда ўқийсиз

**«УСТОЗ»**  
**РЕСПУБЛИКА**  
**ЖАМГАРМАСИ**  
**НИЗОМИ**  
2-бет

**МУСТАҲКАМ**  
**ОИЛА —**  
**ДАВЛАТ**  
**ТАЯНЧИ**  
2-бет

**«ВАТАН**  
**САЖДАГОҲ**  
**КАБИ**  
**МУҚАДДАСДИР»**  
4-бет

Tanlov

## ВАТАН ИСМЛИ ТУЙҒУЛАР МАВЖИ

\* Ҳар йилги анъанавий «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» ишюлар қўрик-таълоғининг сўнгги республика босқичи якуналанди.  
\* Пойтахтимизда ўтказилган таълоғнинг якуний босқичида мамлакатимизнинг барча вилоят ғолиблари иштирок этди.  
\* Бу йилги ишюлар қўрик-таълоғининг мутлақ ғолиби Қарши шаҳар, Фафур Фулом номидаги 21-мактабнинг П1-синф укучвчиси Дилдора Зувайтова бўлди.

Аслида икки кун давом этган таълоғнинг индилоғи юқоридаги утгагина жумлада муқаммас. Бироқ бу жумаларнинг ҳар бирининг ортида унлаб кишиларнинг меҳнати, машаққати, лойқаланган ором ва муҷасамланган. Бу гашларимиз, албатта, тафсилотнинг шакли манзараси. Бизнингча, манзаранинг шаклига эмас, мазмунига, сабабига эмас, натижасига мулоҳазалари

миз билан ишлов берсақгина кунгилмас истаган бир суз туйлса керак. Танлов қатнашчиларининг ҳар бири ишюси билан ҳам ҳакам, ҳам журналист сифатида танишиб чиқдик. Ҳар бир укуччининг ёзганларини қафтигимизга олиб, обдон салмоқлаб курдик. Дейлик, бухоролик укуччи иншосини укитанимизда шундай жумлалар бор. «Ватанинг қани деган саволга дом-лим дейлмаган киши, ота-онанг борми деган саволга ҳам жавоб берилмаган на-товонга ухшайди». Ёки қашқадарлик укуччи ёзганларида файлсуфона фикр этган «Халқдангина Ватан қолади». Бу гашларни изох этишга ҳеч ким эҳтиёж сезмаса керак.

Шу уринда мулоҳазаларимиз андақ таҳрироқ бир лўқ

(Давоми 4-бетда)

## ТАДРИК

Республика Вазирлар Маҳкамасида буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейига тайёргарлик қуриш ва уни утказиш ташкилий қумитасининг йиғилиши булди. Мажлиси Бош вазирнинг биринчи уринбосари, ташкилий қумита раиси И. Журабеков бошқарди.

Йиғилишда сузга чиққанлар кенг миқёсда утказиладиган мазкур тантаналарнинг миллий қадриятларимизни тиклаш, маънавиятимизни юксалтиришдаги аҳамиятини таъкидладилар. Шунинг учун ҳам ушбу тадбирни утказишга пухта тайёргарлик қуриш муҳим эканлиги яна бир бор эслатилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У. Раҳматов, В. Норов, Р. Баҳодиров, Бош вазир уринбосарлари А. Азизжужаев, Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йилнинг 13 январидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади, унга кўра, 1 АҚШ доллари 80 сўм 63 тийин миқдориде белгилади.

● Туркман газини Эрон орқали Европага етказиш учун ташкил этилган корпорциумнинг хабарига қараганда, 2006 йилга бориб газ экспорти саккиз миллиард кубометрни ташкил этади.

● Исроил ҳукумати муборак Рамазон ойи муносабати билан мамлакат камохоналарида тутқунликда бўлган 22 нафар араб миллатига мансуб кишини озодликка чикарди.

## JUMLADA JAHON

● Лондондаги Кенсингтон қасри яқинида марҳума Уэльс маликаси Диана хотирасига катта бог яратиш мўлжалланмоқда.

● Хитойнинг Хебей вилоятида кучли зилзила юз берди ва бу табиий офат 50 кишининг ўлимига, 11 минг кишининг жароҳатланишига сабаб бўлди.

● Покистоннинг Лоҳур шаҳрида содир этилган қўрувчилик ҳаракати оқибатида 20 нафардан зиёд одам ҳалок бўлди.

● АҚШ собиқ Президенти Ж. Картернинг миллий хавфсизлик масалалари буйича маслаҳатчиси, сиёсатдон Эбичнев Бжежинский америкалик сиёсатчи ва ишбилармонларни Марказий Осиё республикаларидаги ёш мустақил давлатлар билан янгича муносабат ўрнатишга чақирмоқда.

Tadbir

## ИСТЕЪДОД БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Маълумингизким, утган ҳафтада республика Истеъдод марказида иқтидорли укуччи-ешларнинг 1997 йил танловлари якунига бағишланган анъанавий республика слети булиб утди. Марказ уч кун мобайнида мамлакатимизнинг иқтидорли фарзандлари билан гажув булди. Бу жуда катта ишонч, истеъдод берган имкониятдир.

Ешлар дастлаб Амир Темур хайкали айландилар. Ана шу сурури онларда халқдан ниҳабат, фидойилик маня шу каби тадбирларда камол топади, ешларимизнинг келажакни белгилайди. Тушдан сунг Теурайлар тарихи давлат музейида булган укучуларнинг ҳолатини кузатдим.

— Қалай, еқлими? — деб сурадим тиллакор нақшларга термулиб турган успириндан.

— Жудаям, — деди узини Даврон деб таништирган йигитча. — Минг марта эшитганман, бир марта курган афзал деб беғиз айтилмаган. Амир Темур бобомиз хайкали пойта гулчамбар қуйганимизда, хозирги ҳолатимиз ҳеч қачон унутмаган. Шундай юртнинг фарзанди эканлигимдан фахрланмаган.

Иккинчи кунги еш меҳмонлар «Коинот» ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти билан танишилари, авиация заводига саяхат қилдилар.

Иул-йулақай бахтли укучулар билан таънишиб кетдик. Навоийдан Шерзоў Жамилов, Қашқадарелдан Баҳодир Жумоев, Қорақалпоғистондан Азамат Истаев. Исмнинг чиройлигини айтмайсики буларнинг! Ешлар авиация заводини айлانган экан, улкан самолётларга қараб ҳаяжонини

яшира олмади. — Ватанимизнинг нақадар қудратли эканини қуриб турибман, — деди Беҳзод Олимов. — Самарқандга борсам бу таассуротларимни уртқларимга сузлаб берарман. Ешлар хурсанд эди, бахтиёр эди. Уларнинг баҳслари, Ватанимиз эртаси ҳақиқатда ёруғ орузларини тинглаб, шундай ешларимиз борлигидан бизда мамнун эдик.

Шу кунги ешлар Мирзо Улугбек номидаги Тошкент давлат университетига фаолияти билан танишилди. Техника университетига олимлари билан учрашдилар. Айнакча, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиумидаги учрашув ҳаяжонли кечди.

— Бу давларни бир умрга тағилулик беш кунлик бахт, деб атагим келади, — дедя фикр билдириди Шаҳзо Исомиддин ортирдим. Бизга куратиилан эҳтиром — Ватанимизнинг биз ешларга билдирган ишончи, бизга берган меҳру муҳаббати. Аввало, маня шу эътибордан жуда хурсандимиз. Ватанимизнинг шон-шавкати юксалиши учун бугун кун-ғайратимизни аямаймиз.

Сунги кун узаро мулоқот булди. Укучуларга Истеъдод марказининг тувоҳномалари топирилди. Слет мобайнида лўст-бирлод булиб қолган укучулар хайралидилар. Яна учрашмиш иштиқоқлаги истеъдодлар уз юртларига жуда катта қувонч ва таассуротлар билан жунаб кетди.

Абдураҳмон ЖўРА



## Миллий дастур йўлида

Жаҳон тиллари университетиде «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ни амалда ошириш борасида чет тиллар укитишни жадаллаштириш вазифалари маърузида илмий-амалий семинар булиб, унда университет профессор-укитувчилари билан Тошкент шаҳридаги олий укуч юртлари чет тиллари кафедраларининг мурдилари ва укитувчилари қатнашдилар. Узлардан ташқари, Тошкент шаҳрида фаолият курашаётган хорижий мутахассислар Ўзбекистон учун яратилган Word Wise инглиз тили дарслигининг муаллифи, АҚШ элчихонасининг маслаҳатчиси Вилл Энкер; Франция элчихонасининг тил ва таълим масалалари буйича атта-

шеси Жерар Барбаре Ўзбекистонга Бергарз Ердам ташкилотининг маъсул ходимлари Хатисон ва Кенан жаноблари уз маърузалари билан иштирок этидилар.

Семинар ишюда Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирининг биринчи муовини Р. Холмуродов иштирок этди ва чет тили укитувчилари олдига турган долзарб масалалар ҳақида гапирди.

Маннон НИШОНОВ

## ДАВРА СУҲБАТИ

«Шодлик» мактаби ташкил этилгандан буен Қори-Низозий номидаги Педагогика фанлари илмий-тадкикот институти билан ҳамкорликда иш олиб бордилар.

Яқинда мактабга ташриф буьорган олимпиа, шу институтнинг бошланғич синфлар буйича бош мутахассис,

«Алифбе» китобининг муаллифи Қумри Абдуллаева мактаб укитувчилари жамоаси билан давра суҳбати утказди. Суҳбат «Таълим турғисида» ги Қонун, «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва дарсларни ўзбекиона кадриятларимиз, одоб-ахлоқ, қадимий халқ педагогикасидан фойдаланиб мазмунли, қизиқарли қилиб утказиш мавзусида булди.

Хуллас, давра суҳбатидан мактаб педагогик жамоаси иш фаолиятларига ижобий янгилчилик оладиған булдилар.

Ойширин БОЗОРОВА

## КИМЛИГИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Фуқароларнинг уз ҳуқуқларини билдириш демократик жамиятнинг асосини ташкил этади. Шу бонс мамлакатимизда ҳуқуқий билымларнинг чуқур уртлашилишига катта эътибор берилмоқда.



Тошкент туманидаги 9-ва 10-урта мактабларнинг юқори синф укучуилари уртасида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида булиб утган бешлашув ҳам ана шу эзгу ният йўлида қуйилган бир қадим сифатида укучулар онгда еркин из қилиришни таъбирдир. Маънавий ва маърифат ишлари буйича директор уринбосари Гайрат Гафуров, тарих ва ҳуқуқшунослик укитувчилари Умида Йулдошева, Гулнора Низоҳунова ҳамда музика укитувчиси Фуқрат Йулдошевларнинг сай-ҳаракатлари билан Йулдош Охунбоёев номидаги 9-урта мактабнинг «Ҳақиқат» командаси бу беллашувда ғолиб қилди.

Алишер НАЗАРОВ

Х  
А  
В  
А  
Р  
Л  
А  
Р  
И

Х  
А  
В  
А  
Р  
Л  
А  
Р  
И

# «Устоз» республика жамғармасы

## I. Умумий қоидалар

1. «Устоз» республика жамғармасы (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни воёга етказиш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ ташкил этилган бўлиб, таълим муассасалари, биринчи навбатда, олий таълим муассасалари профессор-педагог ходимлари сафидан етук ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг ривожланган хоржий мамлакатлар таълимидagi ижобий таърибларини ўрганиши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда таъриб орттиришини таъминлаш мақсадини кўзда тутиб нотижорат хайрия жамғармаси ҳисобланади.

2. Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунарига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

3. Жамғарма ҳуқуқий шахс ҳисобланади, ўз номи ёзилган муҳрга, штампларга, бланкларга ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бошқа реқвизитларга эга бўлади ҳамда банкларда ўз ҳисоб рақамини очади.

4. Жамғарма муассасаларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига маблағ билан таъминланади ва ўз фаолиятини амалга оширади.

5. Жамғарманинг манзили — Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 45-уй.

## II. Жамғарманинг мақсади ва вазифалари

Жамғарманинг мақсади ва вазифалари куйидагилардан иборат:

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишлари бўйича таълим муассасалари, биринчи навбатда, олий таълим муассасалари профессор-педагог ходимлари сафидан етук ўқитувчи кадрлар тайёрлашга қўмаклашиш, шу мақсадда таълим тизими профессор-педагоглари ривожланган демократик мамлакатлар таълимидagi ижобий таъриблар, ўқитишнинг янги педагогик технологияларини ўрганишини ва чет элларда малака оширишини ташкил қилиш ва таъминлаш;

олий, ўрта махсус, касб-хўна таълим муассасалари учун профессор ўқитувчи кадрларни чет элга етакчи ўқув ва илмий марказларда тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иқтидорли ёш педагоглари аниқлаш, уларнинг қobiliяти, ижодий салоҳиятларини ривожлантириш мақсадида касб малакасини юксалтиришга қўмаклашиш; профессор-педагог кадрларни хоржий таълим муассасаларида малака оширишга юбориш мақсадида танловлар ўтказиш;

хорижда малака ошираётган ва таъриб орттираётган профессор-педагоглари таълим олиш жараёни, шунингдек, ўқитишдан кейинги меҳнат фаолияти мониторингини олиб бориш, уларнинг илмий-педагогик салоҳиятидан самарали фойдаланишга қўмаклашиш;

Жамғарманинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишни жадаллаштиришга қаратилган мукофотларини таъсис этиш;

педагогик фаолиятнинг ижтимоий мақоми ва обрў-эътиборини ошириш борасида фаолият кўрсатиш, чунончи, «Йилнинг энг яхши тарбиячиси», «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши илмий раҳбари» каби Жамғарма совриндорларини аниқлаш учун кўрик-танловларни тайёрлаш ва ўтказиш;

профессор-педагог ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш мақсадида ҳомийлар, шу жумладан, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, ички ҳамда чет эллик сармоядорларнинг инвестицияларини юқори малакали профессор-педагог ва ўқитувчи кадрлар тайёрлашга жалб қилиш;

таълимга доир халқаро лойиҳа ва дастурларда иштирок этиш;

узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига ривожланган демократик мамлакатлар таълим тизимининг илгор таърибларини ёйиш;

таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимини жаҳон ахборот тармоғи билан илгор ахборот технологиялари асосида боғлашга қўмаклашиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадида юқори малакали чет эл мутахассисларини жалб қилиш;

Ўзбекистонлик етакчи профессор-педагоглар, олимлар

ва мутахассисларнинг ўқув-услубий, илмий асарларини нашр этишга қўмаклашиш.

Жамғарма ўқитувчи, профессор-педагог ходимларнинг чет эллардаги етакчи ўқув муассасалари ва марказларида таъриб орттиришлари оид дастурлар, лойиҳалар тузади, уларни шу мақсадда жамланган маблағлар ҳисобига амалга оширади.

## III. Малака ошириш шакллари ва муддатлари

Жамғарма йўланмаси бўйича профессор-педагоглари малакасини ошириш куйидаги шаклда олиб борилади: профессор-педагоглари қайта тайёрлаш (6 ойгача); малака ошириш (3 ойгача); таъриб алмашиш (2 ойгача).

## IV. Жамғарма грантларини олиш танлови тартиби

1. «Устоз» жамғармаси Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидagi профессор-педагоглари ривожланган демократик мамлакатлар таълимидagi ижобий таърибларни, ўқитишнинг янги педагогик технологияларини ўрганиши, чет элларда малака ошириш ва мутахассисларни қайта тайёрлаш бўйича танловларни ташкил этиши ҳамда улар ҳақидаги ахборотларни матбуотда мунтазам равишда эълон қилиб боради.

Танлов голубларининг Жамғарма грантлари бўйича хоржий мамлакатларда малака ошириши (қайта тайёрлаш) шартнома асосида олиб борилади.

Танловнинг асосий мақсади объективлик, ошкоралик, кенг қамровлиликни таъминлаш, жамоатчиликнинг фикрини инобатга олган ҳолда ватанпарвар, юқори малакали, маданиятли, жиддий илмий талабларга жавоб бера оладиган, ўз соҳасининг етук мутахассисларини саралаб олишдан иборат.

2. «Устоз» жамғармаси грантларини олиш танловларида Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлган, олий маълумотли, таълим муассасаларининг куйидаги танлов мезонларига муносиб бўлган профессор-педагоглар ва ходимлари иштирок этишлари мумкин.

\* танлаган мутахассислиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган узлуксиз меҳнат таърибига эга бўлган ва ўз соҳасини мукамал ўзлаштирган педагоглар;

\* узлуксиз таълим соҳасининг ташаббускори ва ижодкорлари, йилнинг энг яхши ўқитувчиси, йилнинг энг яхши тарбиячиси, йилнинг энг яхши илмий раҳбари каби республика ва вилоятлар кўрик-танловлари голублари;

\* илмий-услубий соҳада изланувчи, услубий тавсиялар, дастурлар, қўлланмалар, дарсликлар, мақолалар, ихтиролар, янги педагогик технологияларнинг муаллифлари, таълим-тарбия соҳасида докторлик илмий изланиши олиб бораётган педагог-ҳодимлар;

\* юқори савияда ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий билимларга эга бўлган педагог-ҳодимлар;

\* ўз соҳасида хоржий илгор таърибларни ўрганишга истак билдирган ва шу мамлакат тилини биладиган, соғлом, ватанпарвар, юксак илмий маданият соҳиблари.

3. Танловга куйидаги ҳужжатлар топширилади:

\* танлов комиссияси номига ариза;

\* ўқув муассасаси тавсияномаси;

\* таълим, илмий даража ва унвонлар тўғрисидаги ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари;

\* мазкур ҳужжатларнинг хоржий таълим олиб бориладиган тилдаги таржимаси;

\* чоп этилган услубий тавсиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий асарлар ва ихтиролар рўйхати;

\* расмий анкета;

\* меҳнат дафтарчасидан кўчирма;

\* тиббий маълумотнома;

\* фотосурат;

\* юқори малака мутахассислигини белгилайдиган бошқа ҳужжатлар.

4. Танлов икки bosқичда ўтказилади.

**Биринчи bosқич** Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этиладиган жойлардаги танлов комиссиялари томонидан амалга оширилади. Комиссия таркибига «Устоз» жамғармаси вакили киритилади.

Комиссия танловда қатнашиш истагини билдирган пе-

дагоглар, тарбиячилар ва профессор-ўқитувчиларнинг ҳужжатларини ўқув муассасалари тавсиясига асосан қабул қилади ва танловни ташкил этилади.

Танловнинг мазкур bosқичи юқорида келтирилган мезонлар бўйича тузилган махсус тестлар асосида амалга оширилади.

**Иккинчи bosқич** «Устоз» жамғармаси ҳузуридаги марказий танлов комиссияси томонидан амалга оширилади ва соҳалар йўналишлари бўйича ҳамда чет тили бўйича синов-суҳбатлар шаклида ташкил этилади.

Марказий танлов комиссияси таркиби Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш Республика комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

5. Танловлар «Устоз» жамғармаси бошқаруви тасдиқлаган жадал асосида амалга оширилади.

6. Танлов bosқичларидан муваффақиятли ўтган номзодлар ўз соҳалари ва тоифаларига мувофиқ «Устоз» жамғармаси режаси асосида хоржга боришга йўлланмалар оладилар.

7. «Устоз» жамғармаси танловидан ўтган ва ўқишга жалб этилган номзодларнинг асосий иш жойларидаги лавозимлари ва маошлари сақланиб қолади.

## V. Жамғарманинг ҳуқуқлари

Жамғарма куйидаги ҳуқуқларга эгадир:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хоржий мамлакатларда ўз номидан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан ўз ваколати доирасида шартномалар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар тузиш.

2. Низом мақсадлари доирасида республика ҳудудида ва унинг ташқирисида кўргазмалар, анжуманлар ва бошқа тадбирлар мажмуини тайёрлаш ва ўтказиш.

3. Ўзбекистон Республикасининг қонунарига риоя қилган ҳолда, Низом мақсадларини бажариш учун зарур бўлган таълим соҳасида хизматлар кўрсатишни уюштирадиган кичик ва кўшма корхоналар, марказлар таъсисчиси бўлиш.

4. Мавжуд қонунчилик доирасида ноширлик фаолиятини амалга ошириш.

5. Низом мақсадларини бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан таъқиқланмаган ва Низомга зид бўлмаган ташқи иқтисодий фаолият ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш.

## VI. Жамғарманинг бошқаруви органи

1. Жамғарманинг раҳбар органи Бошқарув бўлиб, у Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш Республика комиссиясига ҳисобот беради.

2. Бошқарув Жамғарманинг ҳайъат органи бўлиб, унинг таркиби ва раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Бошқарув йиғилишларига Раис раҳбарлик қилади.

Раис ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Бошқарув йиғилишлари заруриятга кўра (камида 6 ойда бир марта) ўтказилади. Бошқарув қарорлари Раис имзоси билан расмийлаштирилади.

Бошқарувнинг вазифалари доирасига куйидагилар кирди:

Жамғарма фаолиятининг унинг мақсадларига доир йўналишларини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш; етакчи профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш мақсадида ривожланган демократик давлатлардаги илгор таълим муассасалари ва марказларини аниқлаш ҳамда улар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш;

Жамғарма ҳомийлари билан алоқалар ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш, молиявий маблағлар, шунингдек, чет эл инвестицияларини излаб топиш ва юқори малакали чет эл мутахассисларини етакчи профессор-педагог ва ўқитувчи кадрларни тайёрлаш жараёнига жалб этиш;

Жамғарма грантларининг ҳар йиллик сонини белгилаш ҳамда уларни тақсимлаш, Марказий танлов комиссияси таркибини тасдиқлаш;

жойлардаги Жамғарма танлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

чет элларда малакасини оширган ҳамда қайта тайёрланган профессор-педагоглар ва ўқитувчиларнинг меҳнат фаолияти мониторингини олиб бориш;

ижро этувчи директор томонидан тақдим қилинган Жамғарма фаолиятининг ҳар йиллик режаларини тасдиқлаш; Жамғарманинг йиллик ҳисоботини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш.

Вазирлар Маҳкамасининг  
1997 йил 30 декабрдаги 576-сон қарорига  
3-илова

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланган Раис ўринбосари — Ижро этувчи директор Жамғарманинг жорий фаолияти билан боғлиқ бўлган барча масалаларни амалга оширишга раҳбарлик қилади.

Ижро этувчи директор вазифалари доирасига куйидагилар кирди:

Жамғарма фаолиятининг унинг мақсадлари асосида белгиланган йўналишларини амалга ошириш;

Бошқарув қарорларини ҳаётга таъбиқ этиш; республика минтақалари бўйича чет эл таърибаларини ўрганишга ва малакасини оширишга муносиб профессор-педагог кадрларни аниқлашга доир танловларни ташкил қилиш ва натижаларини умумлаштириш;

танлов натижасида белгиланган Жамғарма грантларини ўрганишга ва малакасини оширишга муносиб профессор-педагог кадрларни аниқлашга доир танловларни ташкил қилиш ва натижаларини умумлаштириш;

Жамғарма вазифаларини амалга ошириш учун етакчи мутахассислардан иборат ишчи ва эксперт гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини таъминлаш;

таълимнинг устувор йўналишлари бўйича таъриб орттираётган ва малака ошираётган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат ва ижтимоий фаолиятларига доир мониторингини амалга ошириш, улар билан доимий алоқада бўлиш.

4. Ижро этувчи директор Жамғарма ходимларининг ишини ташкил қилади ва бошқаради, Жамғарма номидан фаолият кўрсатади, шу жумладан, унинг молиявий-ҳўжалик ишларини амалга оширади, Жамғарма номидан битимлар тузади, Жамғарма ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради. Ижро этувчи директор Жамғарманинг Низом доирасидаги барча фаолияти учун масъулдир.

5. Жамғарманинг ижро этувчи директори мақомига кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий-маиший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича вазирнинг биринчи ўринбосарига, ижро этувчи директор ўринбосарига эса вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

## VII. Жамғарманинг мол-мулки ва молиявий маблағлари

1. Жамғарманинг мол-мулки асосий фондлар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва шу қабилдан, айланма маблағлардан, шунингдек, маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига олинган молиявий ресурслар ва бошқа моддий бойликлардан иборат бўлади.

Жамғарма мол-мулкнинг қиймати унинг мустақил балансиде акс эттирилади.

2. Жамғарма маблағлари: Жамғарманинг Низомдаги фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бюджет ажратмалари; муассислар ажратмалари; хайрия, ҳомийлик тушумлари, ҳолисона тушумлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари, грантлари ва бошқа Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган маблағлар ҳисобига шаклланилади.

3. Жамғарманинг хайрия, ҳомийлик тушумлари ва ҳолисона тушумлар ҳисобига сотиб олган мол-мулклар, чет эл инвестициялари, грантлари Жамғарманинг ўз мулки ҳисобланади.

4. Жамғарма асосий фондларни ва бошқа моддий бойликларни қонунчиликда белгиланган тартибда тасарруф этади.

Жамғарма ўз мажбуриятлари бўйича ўзига бириктирилган, амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўлов ундириб олиниши мумкин бўлган мол-мулк билан жавоб беради.

## VIII. Ҳисоб ва ҳисобот

Жамғарма ўз фаолияти натижаларини амалдаги қонун ва қоидаларга биноан теъкорлик билан таҳлил қилади ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, ҳисобот маълумотлари ва баланс ҳисоб-китобларининг ишончлилигини таъминлайди.

## IX. Жамғарма фаолиятини тўхтатиш ва қайта ташкил этиш

Жамғарма фаолиятини тўхтатиш ёки қайта ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида ёки Ўзбекистон Республикасининг қонунарига биноан амалга оширилади.



### Хоржий Тўқинларида

14 январда мудофаа вазири Игорь Сергеевнинг Францияга ташрифи бошланади. ИТАР — ТАСС ва француз манбаларининг таъкидлашича, Игорь Сергеевнинг Парижга ташрифи уч кунлик бўлиши кутимокда. Уни учрашувга Франция мудофаа вазири Ален Решар таклиф қилган. Музокараларда Россия ва Франция уртасидаги ўзаро ҳамдустликдаги ҳарбий ҳужжатлар, шунингдек Россия

ва Шимолий Атлантика ташкилоти уртасидаги шартнома ўзаро таъсирини НАТО ва Евроатлантика уюшмаси ҳамкорлиги доирасида ривожлантириш масалалари курилади.

Бу ташриф Россия Федерацияси ташкил этилганидан кейинги Россия мудофаа вазирининг Францияга илк ташрифи бўлади. СССР суниги мудофаа вазири Дмитрий Язов охириги марта 90-йилнинг мартада ушбу мамлакатда бўлган.

### «Радио молодёжи» (Москва)

Жақирда бу гал пойтахтга яқин ҳудудда юз берган қонқурликда юздан зиёд киши улдирилган. Бу ҳужумларда исломий қуроли гуруҳ раҳбарлари айбланмоқ-

да. Хавфсизлик кучлари эълон қилган баёнотда айтилишича, Сидлхамет қишлоғига қилинган бошқа бир ҳужумда етмиш киши яралган.

### «ВВС» (ЛОНДОН)

Покистон ҳукуматининг билдиришича, Афғонистонда тинчлик барқарор этилиши тўғрисидаги ташаббусни Саудия Арабистони билан Эрон ҳамма етишган. Покистон ҳукумати Афғонистон муаммосини ҳал этиш учун мусулмон раҳбарларидан бир комиссия ташкил этилишини кутмоқда.

### «Америка овози» (Вашингтон)

Тун-қунига айлагали нури пош,

## МУСТАҲКАМ ОИПА — ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

Асрлар оша ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган оила ҳанузгача ва бундан кейин ҳам муқаддас ҳисобланади. Одатда отани падари бузруквор, онани меҳрибон волида деймиш. Оилада отадек меҳрибон ва яқин инсон йўқ. Улар сиз билан бизни дунёга келтириб, куз қорақчидаги асраб-авайлаб қолмадсан ҳамма вақт ҳаётимизга нур сочиб турадиган. Бамисоли ой каби тунимизни ёруғ, йулимизни ойдан қиладилар. Шунинг учун ҳам улўғ бобомиз Алишер Навоий:

Бошини фидо айла ато қошига,  
Жисмини қил садқа ано бошига.  
Тун-қунига айлагали нури пош,

Бирини ой англа, бирини куёш, — деганлари бежиз эмас.

Отани куёш, онани ой деб билган халқ уларнинг қадрига етишни, эъзолаш-ни, хурматини жойига қуйиш-ни, падари бузрукворнинг тузи ҳақини, волида меҳрибоннинг сўти ҳақини оқлаш ҳар бир фарзанднинг бурчи бўлиши кераклигини яхши биладилар. Энг оғир уруш йилларида ота-оналаримиз уларнинг фарзандларини тарбиялаш билан бир қаторда турли миллат вакилларининг болаларини ҳам бағрига босиб, қийин кунлардан олиб чиқишди. Борини баҳам куриб, йўғига қаноат қилиш, шукроналик кунларига етиб келдилар.

Ана шу оғир йилларда тарбия топган фарзандлар ҳам жамиятимизда ўз ўрнини то-

пиб, халқига, давлатга хизмат қилмоқдалар. Президентимиз И. Каримов томонидан 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши ҳар бир оилага катта қувонч бағишлаши билан бирга катта масъулият ҳам юклайди. Ҳар бир болани тарбиялаётган ота-она бу масалага яна ҳам жиддийроқ ендашишини тақозо этади. «Қуш уясида курганини қилади» деган халқ мақоли бежиз айтилмаган.

Афсуски, жамиятимизда тинчлик, тотувлик бўлиб турган бир пайтда ҳам энгил-елли йул билан меҳнат қилмоқчи бўлган ота-оналар ҳам учраб туради. Бунақа йуллар билан фарзанд тарбия қилмаган деган ота-оналар афсуски, катта хато қиладилар.

Шундай оилалар тўғрисида қўллаб мисоллар келтириш мумкин. Ойнаи жаҳон-

да курсапти борилаётган «Оталар сузи — ақлининг кузи», «Жиноят ва эмас», «Шаҳар бедарвоза эмас» каби курсатулардаги кулгина лавҳалар фикримизнинг яққол далилидир. Доноларимиз яхши ёки ёмон ҳулқли бўлиши оилага боғлайдилар. Ҳожа Самандар Термизий:

Гудакликдан ёмон феълга урганса,  
Юз меҳнатла уни кам қилиб бўлмас.

Яхши йулга солай дебон уринма,  
Усиб қотган шохни ҳам қилиб бўлмас, — деганидек, болани гудаклик пайтидан тарбияламоқ керак.

Оилада интиқлик, тотувлик, узаро ҳурмат бўлса ҳар қандай мушкуллик ечиш мумкин. Оила кўп қирралидир. Оилада бола тарбиясида отанинг, айниқса онани-

1998 йил —  
oila yili

нг ўрнини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдими. Оиланинг маънавий баркамол бўлиб улғайишида онадан жуда катта ирода, чидам, сабр-тоқат қалай қилинади. Оилада қанча фарзанд бўлса, ҳаммасининг феъли-атвори узига хос бўлиши табиий. Уларнинг дора тайёрлашлари, уй юмушларига ёрдам беришлари, болаларнинг уйнашлари учун вақтни тақсимлаш, уларнинг уларнинг тути

# МАРДЛАР КҮРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

**Қуролли Кучлар — давлатимиз хавфсизлиги ва халқимиз тинч ҳаётининг муҳим гарови эканлиги, шубҳасиз.**

Ислом КАРИМОВ

## ЁШЛАР ВА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ

Чақириқча ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Булажак аскар мактаб партасидаёқ умумий ҳарбий мажбуриятлар, мамлакатимиз қуролли кучлари умумий тузилишидан бохабар бўлмоғи лозим. Шундагина у ҳарбий хизматга қақирилгач, шобиб қолмайди.

Тошкент вилоятидаги 680 умумтаълим мактаби, 30 касб-хунар ва 10 махсус ўқув юртлирида ёшлар бошланғич ҳарбий таълим фанидан сабоқ оладилар. Мазкур ўқув даргоҳларида чақириқча бўлган ёшлар сафда туриш тайёргарлиги, қурол-аслаҳа материаллари ҳақида маълум тушулганга эга бўлиб, жисмоний тайёргарликдан утадилар. Улар ҳарбий қисмларда ва мудофаа-спорт соғломлаштириш лагерларида чиниқдилар.

Чақириқча бўлган ёшларга бошланғич ҳарбий таълим бериш ва уларни жисмоний тайёргарликларини ташкил этиш вилоятнинг Бустонлик, Қибрай, Янгийул, Юқоричирчиқ туманларида аъло даражада йўлга

қўйилгани ҳолда Олмалиқ ва Бекобод шаҳарларида, Тошкент туманида бу ишлар бироз оқсамоқда.

Вилоятда 29 та Шон-шухрат музейи ишлаб турибди. Шунингдек, 560 та мактаб бошланғич ҳарбий таълим хоналарида Жанговар Шухрат бурчагига эга. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида камол топтиришга катта эътибор берилмоқда. Ҳар йили «Камолот» ёшлар жамғармаси билан ҳамкорликда шаҳарлар ва туманлараро «Шунқорлар» ҳарбий-спорт уйинлари ўтказилмоқда.

— Вилоятимиз ёшларининг ҳарбий касбга бўлган қизиқишлари йилдан-йилга ошиб бормоқда, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бўлими бошлиғи подполковник Абдурахим Мадраимов.


Дарҳақиқат, вилоят ёшларини ҳарбий-техник мутахассисликка тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари бир қатор ўқув юртлири, «Ватанпарвар» мудофаага ёрдамлашиш жамияти ва миллий авиация спорт клуби яқиндан кумак бермоқда.

Н. ОЧИЛОВ,  
«Маърифат» мухбири

Мамлакатимизда Марказий Осиёда ягона бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучлари Академиясининг ташкил этилиши унутилмас воқеа бўлди.

СУРАТДА: Академиянинг катта ўқитувчиси, полковник Олимжон Валиев 1-курс тингловчиларига дарс ўтапти.

Суратлар муаллифи  
Марат АРИНОВ



Мактуб кўнсилларни бир-бирига яқин элтувчи, салимий тилак ва дил изҳорларини баён этишда энг қўлай, энг қадимий, энг қадри восита. Айниқса, аскар мактублари ўзига хос салимийлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Улардан бир олам гурур, фахр, меҳр ҳислари йўғрилган қайноқ сатрлар ўрин олади.

— Мен Имомов Абдували Бухоро вилоятининг Олот туманидан 1997 йил баҳорда ҳарбий хизматга қақирилганман. Хизматнинг дастлабки ойларида оила аъзоларимиз соғинчидан анча қийналиб юрдим. Яхшиямки сурат ва хатнинг борлиги. Ҳозир ҳарбийча ҳаётга анча киришиб кетдим. Мен мамлакатимиз Миллий Гвардиясида хизмат қилаётганимдан фахрланаман.

— Армияга борсанг одам буласан, — дерди акам ҳазиллашиб.

Ҳақиқатдан ҳам бу ердан қуп нарсани —

кичик сержант М. Зайниев. — Хизматда ўтган йилларимда юртимизнинг деярли барча вилоят ва шаҳарларидан ўйлаб дўстлар орттирдим.

Хизматга келганимнинг илк кўнларидан мента мак-

сида ўқигандим, — деб бошлайди ўз мактубини фарғоналик оддий аскар Шомурод Мамажонов. — Ҳарбий хизматга келганимдан уч ойдан сўнг бу ерда ошпаз ёрдамчиси бўлдим. Аввал ўрганганларим ёнига яна янги ҳарбийча таомлар ҳам қўшилди. Байрам кўнларида катта қозонлар осиб миллий таом — ўзбекча палов дамлаганимизда шу касбни танлаганим учун ич-ичимдан суюниб кетаман. Ахир бутун бошли ҳарбий қисм байрам дастурхонида сен пиширган паловхонгўра ҳаммининг иштаҳасини карнай қилиб турса қувонмай бўладими.

Мен ҳарбий хизмат мударатим тугаганидан кейин ҳам қисимимизда қолиб ишлашга қарор қилдим. Отанам ҳам бу фикримни қўллаб-қувватладилар».

## АСКАР МАКТУБЛАРИ

қатъиятлик, иродатлик, жасурлик, тантлилик каби фазилатларни ўргандим. Ҳарбий хизмат даврим ҳаётимнинг унутилмас лаҳзалари бўлиб қолмоқда».

Отажон МАТНАЗАРОВ,  
Хоразм вилояти

«Мана, йигитлик бурчимни тўлалигича адо этишга ҳам оз қолди, — деб ёзди

табдан олган бошланғич ҳарбий таълимим қўл кела бошлади. Мен Шофиркон туманидаги 24-сон ўрта мактабда шу фандан сабоқ берган, ўқитувчим Ш. Муллақуллова ўзимнинг миннатдорчилигимни изҳор этган. Раҳмат сизга, устоз!»

Ўрта мактабни тугатиб хунар-таълим билим юртида бир йиллик ошпазлик кур-

## «ДОНОЛАР ДЕМИШЛАРКИ...»

Энг мақбул фазилат — Ватанга ва одамзотга кўрсатилган хизматдир.

Ж. ДЕЛИЛ

\*\*\*

Саховатнинг энг буюк жасурликлари Ватанга бўлган муҳаббат туфайли вуҷудга келади.

Ж. РУССО

\*\*\*

Ватан учун чала иш қилиш, унинг учун ҳеч нима қилмасликдир.

М. РОБЕСПЬЕР

\*\*\*

Жасорат юксак қадрланадиган ва қўрқоқлик қаттиқ жазоланадиган давлат энг қудратли давлатдир.

К. ГЕЛЬВЕЦИЙ

\*\*\*

Ҳар бир довурак, ҳар бир ҳақиқатгўй одам ватанига шон-шараф келтиради.

Р. РОЛЛАН

## БУГУН ҲАМ БАЙРАМ...

Бугун юртимизда яна бир кўнлимизга илиқлик туҳфа этган хушбабар кезиниб юрибди. Бугун Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 6 йиллиги — Ватан ҳимоячилари кўни! Халқимиз бу байрамни ҳам ўзига хос руҳ ила қаршилади. Шу ваҳдан жойларда қатор тадбирлар уюштириладиган, бу албатта мустақил Ватанимиз олдидаги бурчимизни яна бир қарра ҳис қилишга ёрдам бериши тайин. Жумладан, республика мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти ўқув муассасаси жамоалари ҳам бугун байрамни муносиб кўтиб олиш йўлидаги режаларининг ижросини амалга оширяпти.

Мухбиримиз

## ДЕСАНТЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Мард майдонда синалади, дейди доно халқимиз. Кичик сержант Бахтиёр Эгамов бошқараётган десантчилар взводининг нақадар марду маҳоратликлари ҳам яқинда бўлиб ўтган кишики дала-ўқув машқларида билинди. Жисмонан бақувват бу йигитлар ўқув жанговар топшириқларни ўз вақтида адо этиб бошқа ўртоқларига намуна бўлишди.

Айниқса, уларнинг парашют-десант тайёргарликлари юқори даражада эканлиги кишини қувонтиради. Взвод шахсий таркиби кишики дала ўқув машқларида офицер ва прапоршиқларнинг барча кўрсатмаларини аъло даражада бажаришди. Албатта, бунга уларнинг йил давомида тинимсиз машқ қи-

либ туришлари сабаб бўлди.

Биз десантчилар взводи командири кичик сержант Бахтиёр Эгамовни Ватан ҳимоячилари кўни арафасида учратиб, у кишидан шу кўнларда кўнглидан кечаётган ўйлари хусусида гапириб беришини сўрадик.

— Аввало, она-Ватанимиз тинч ва осойишта бўлсин, — дея гап бошлади Б. Эгамов. — Мен кўни кеча кишики дала-ўқув машқларидан муваффақиятли ўтган барча аскар ўртоқларимни, юртимиз сарҳалларида ўз йигитлик бурчларини ўтаётган барча тендошларимни Ватан ҳимоячилари кўни билан табриклайман. Ватанимиз осмони ҳамisha мусаффо бўлсин!

Н. АСЛОН

Мамлакатимиз ўз истиклолини қўлга киритгач, хорижий давлатлар билан кенг қўламда дипломатик алоқалар ўрната бошлади. Юртимизга келаётган чет эл раҳбарлари ва бошқа расмий кишиларни кўтиб олиш ва кузатиб қўйиш маросимларида республикаимиз Миллий Гвардиясининг фахрий қоровул ротаси аскарлари хизмат қилишяпти. Ўзбек заминига қадам қўйган хориж расмий доиралари вакиллари юртимизни нақадар қудратли ҳарбий салоҳиятга эга эканлигини энг аввало ана шу аскарлар қиёфасидан, ўзини тутиши, ҳатти-ҳаракати ва қатъиятидан билиб оладилар.

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардиясининг фахрий қоровул ротаси оддий аскари Рустам ҲАСАНОВ.



## Bir chindim kulgu

Рота командири хизматга янги келган навбатчи қоровулдан сўради:  
— Взвод командири сизга вазифа бердим?  
— Ҳа, ўртоқ рота командири.  
— Ҳўш, қандай вазифа берди?  
— Сиз ишга келишингиз билан уни уйғотишим керак экан.

\*\*\*

Шифокор ҳарбий хизматга қақирилган йигитнинг ақлий қобилиятини текширяпти.  
— Бир қулоғингни кесиб ташласам нима бўлади?

## ҲАРБИЙЧА ҲАНГОМАПАР

— Эшитмай қоламан.  
— Иккинчисини ҳам кессам-чи?  
— Кўролмай қоламан.  
— Нега энди?  
— Каскам тушиб кўзимни тўсиб қўяди.

\*\*\*

Янги хизматга қақирилганлар парашют билан сакраш бўйича машғулот ўтказишяпти.  
— Эсинг жойидами! — деди инструктор самолётдан сакрамоқчи бўлган аскарнинг қўлидан ушлаб, — ахир парашютинг йўқ-ку!  
— Нима бўпти, ўртоқ инструктор. Боя ўзингиз айтдингиз-ку, бу тажриба машқлари деб.

\*\*\*

— Эшитдингми, тошбақа ҳам учаркан-а? — ўртоғига сўз қотди оддий аскар.  
— Эсинг жойидами ўзи? Тошбақа ҳам учадими ҳеч замона, — деди норози оҳангда ўртоғи.  
— Нималар деясан, тошбақа учди. Взвод командири айтди бунини.  
— Ҳа, ҳа тўғри, тошбақалар ҳам учди, фақат пастроқдан учди, — деди эсанкираб «командир» сўзини эшитган ўртоғи.

## ҚАЛДИРҒОЧ ЎҚИТУВЧИ ЭДИ

Xotira

Избоскан туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хужалигидан ҳарбий хизматга қақирилган Шодмон Ёқубов қалдирғоч ўқитувчилардан бири эди. У мактаблар фаолиятини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшган жонкуяр педагог бўлган.

Жонкуяр мураббий гитлерчи босқинчилар хиёнаткорона бошлаган урушга бефарқ бўла олмади. У дастлабки кўнлардаёқ кўнгиллилар сафида жангоҳга йўл олди.

Жангчи педагог Шодмон Ёқубов ёвуз душманга қарши олиб борилган ҳаёт-мамонт жангларидан қатнашиб, ўзининг мард, жасур ва матонатли жангчи эканлигини курсатди. Аммо уруш урушлигини қилди. У 1943 йил 11 сентябрда олиб борилган жангда мардларча ҳалок бўлди.

«Ўзбекистон» жамоа хужалиги собиқ раисаси Эъзозхон Исроилова, Избоскан туманлараро нефть маҳсулотлари корхонаси бошлиғи Нуъмонжон Раҳи-

мов, уруш ва меҳнат фахрийлари Садинбой Низомов, Хужамбой Курчиев сингари жонкуяр, эл таниган инсонлар жангчи мураббий — Шодмон Ёқубовдан таълим олган эдилар.

Шодмон Ёқубовнинг хотираси унинг шогирдлари, ҳамқишлоқлари, фарзандлари ва набиралари қалбида абадий яшади.

Мажид САМАДОВ,  
уруш ва меҳнат фахрийси

Саҳифани Норали ОЧИЛОВ тайёрлади



Қуролли Кучларимиз оддий аскари Эшпўлат Эшонкулов ўзига берилган ҳарбий топшириқ ва кўрсатмаларни мунтазам равишда, виждонан бажариб бормоқда. Ҳозирда у катта механик-ҳайдовчи.

СУРАТДА: оддий аскар Эшпўлат Эшонкулов катта лейтенант Ботир Селижоновнинг кўрсатмасини бажаришга шайланмоқда.

Bolalar olami

SOVGA

Бугун укам Шокирнинг Тугилган куни. Барча ўртоқ-дўстлари, Йилган куни. Совга қилди дадамлар Уйишчок машина. Қувонч тўла болалар Табриклар зўр чана. — Хайрон бўлма ўртоқжон, Деб кўяр шод Тоҳир. — Тугилган кунинг ёзда Бўлмайд-ку ахир. Қиш завқини ҳаммамиз, Тортмаиз шу чанада. Хурсанд бўлиб Шокиржон, Яйраб кетди янада. Камол ЎСАР, Сайхунбод туманидаги 12-ўрта мактаб муаллими

ВАТАН ИСМЛИ ТУЙГУЛАР МАВЖИ

(Боши 1-бетда)

мага ҳам муҳтож қуринади. Айтмоқчимизки, танлов қатнашчиларининг ҳар бири иншоода ўз ижодий машқлари келтирилган. Бундан чиқди, бу иншоочиларнинг деярли ҳаммаси шеър машқ қилади. Ҳатто купчилиги келажакда шоир бўлмоқчилигини ҳам ёзиб қўйибди. Ва бу орзуси ёганларидан ҳам муралаб турибди. Улар зар чопонли сузаларни шу қадар устамонлик билан терганки, бу сузаларни «қутариш»да унча-мунча шоирларнинг ҳам оёғи чалишиб кетади. Бироқ бу чироили гапларнинг купчилиги салмоқсиз, қуруқ бўлиб қолган. Бунга ўқувчилар айбдор эмас. Чунки шоирнинг вазифаси фақат фикр айтиш эмас-да. Шоирона сузининг эса салмоқсиз фикр айтишга ҳам ҳаққи бор. Энди уйлаб кўринг, асли қурик-танловнинг утқилишидан мақсад нима? Ватаниннинг саждагоҳ каби улуғлигини, буоқлигини тараннум этишимиз? Еки уша Ватаниннинг нима учун улуғлигини, буоқлигини хис қилиш учунми? Демак, хулоса оддий. Жойларда

Ватан! Менимча, Ватан — чексиз тушунча. У инсон қалбида яшайди ва инсон шу қалби билан бахтиёрдир. Ватан — ким учундир ўзи тугилиб ўсган юрт, кимгадир она замин, туПРОҚ. У гул учун бир ҳовуч туПРОҚ, булбул учун гул унинг чиққан боғ. Улар шулар билан тирик. Инсон эса Ватани билан тирик. Ватанилар хор бўлмайдилар. Ватанилар халқ бўлади. Халқнинггина Ватан қолади. Муқаддас туПРОҚ, бағринда қанча-қанча буюк зотлар ҳоким бор! Сендаги ҳар бир майсида боболаримиз нафаси, ҳар зарра туПРОҚда камтарлиги, ҳар бир чуққилда гурури яширин. Илк баҳор чоғида очилган қизгалдоқ узининг нафис барглари ила қалогини яширишга уришиб, қимтишиб, сабо эсса қалтираб турали. Аммо эзининг иссиқ шамоли юзларини тилганда, аёвсиз қийноқларга солганда нафис барглари кўйиб, жиганак бўлиб қолганда ҳам қалбидоғи қоп-қора доғ кетмасди. Ўзбек эркинроқ намоён бўлиб қолади. Мен бу маҳзун сатрларини беҳуда келтиратганим йўқ. Минг-минг йиллик тарихни бошидан кечирган халқимиз утқишига айни шу қизгалдоқ мос ухлатишдир. Қўлимда қалам, қошима умилларим каби оппоқ қороз нозир, ҳаёлан тарих кучларидега келиб юрибман. Не-не зотлар угли бу кучлардан. Шамширини уйлатиб Темур, ҳаз-

рат Навоий, тодуларга термулиб Улутбек, тириклик ахтарилар Иби Сино, уфқларга галлар битиб Нолира, Увайсий, даҳликка даҳлдор Фаробий, Бухорий, евни ҳайратла қолдириб Жалолдин, қасоскор Тумарис, исенкор Спитамен... Эҳ-ҳе! Санаб алогига ета олмайсан киши. Бехитиёр туПРОҚни секинроқ боса бошлаيمان, боболар хоки бор, деб

«ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР»

ҳар бир майсини жон қалар ардоқлайман, момоларим нафаси бор, деб, ҳар бинога, иморатта куз эмас, қалбим ила назар ташлайман, авлодларим еди бор, деб. Қалбим дарёсида туйгуларим дурга айланиб, сатрларимда тизилди бошлайдилар. Узбек шавкатини жойлаб тугитга Марлола юсакка қутарган илк бор, Зафар қучган бобом Темур румига Бугун таълим айлай тақрор ва тақрор. Қизиқ, бу олам борлиқ ва борлиқ ичидоғи йўқликдан иборат эмасми? Қаранг, бугун заминини инсон қалбига ухшат

сиртмоқларини ечмоқ авваллидан ҳам мушқурак. Инсон ружий жиҳатдан эркин бўлиши учун маънавий томондан ривожланиши керак. Буниинг учун эса, энг аввал инсон қалбига кучли муҳаббат ва эҳтирослар дари тўқинланиб, мавжланиб турмоғи лозим. Куз олдимга Фурқатнинг узга юртда фиғон чекиб галза битиши, Бобурнинг бир тилик Аншжон қовунига боқиб куз еш тукчиб туриши келаверади. Уз элимда туПРОҚ билан тенг бўлиб яшаб айрилқдан афзалроқ туюлади менга. Йўқ, алашам, бу оламда ҳеч ким туПРОҚ билан тенг бўла олмайдилар. У шунчалар буюк ҳар қуни топталса ҳам, ҳар қуни оек остида эзилса ҳам муқаддас. Зеро, у уни топталса ҳам фирзалларини қуқсида қутариб туради. У зунинг камтарлиги учун улут. Узбек халқи ҳам туПРОҚ каби фидокор. У ҳали камтарлиги орқали қалмолотта эришажак. Истиқлол гулчаси ҳар тонг эрк шабависидега чайқалиб-чайқалиб келажак тонгини қутиб олади. Қалбимда ҳисларимнинг очилмаган гулчалари кўп хали. Аммо соат миллари бе-шафкат... Дилдора ЗУВАЙТОВА, Қашқадарь вилоти, Қарши шаҳар, F. Фулом номидоғи 21-мактабнинг 11-синф ўқувчиси

Xullas...

ДЕЛЬФИНЛАР «КЎЗГОЛОНИ»

Буюк Британия нашрларининг ёзишчи, Қариб денгизда дельфинлар «кўзголови» бўлиб ўтган. Воқеа содир этилган жойда ҳозир бўлганларнинг гувоҳлик беришича, бу оммавий «норозилик» да юзлаб дельфинлар иштирок этган. «Кўзголови»ни бостириш учун келганларнинг уринишлари ҳам зое кетган қуринади. Негаки, дельфинларнинг купчилиги ўзини қирғоққа уриб қурбон бўлди. Мутахассисларнинг айтишича, денгизга дельфинларнинг «нафрат»ини қузғатувчи чикиндилар ташланган. Бундан «жаҳли» чиққан жониворлар...

ҚОПОННИНГ ҚИЛМИШИ

Ростини айтганда, Ҳиндистонни шовшувлар уеси деса ҳам бўлади. Қизиқарли маълумотларга қура, мамлакатнинг Ассаи штатида яшовчи овчиларнинг бири 1923 йил шу атрофдаги чакалақзорлардан бирида она қоплонни отиб улдиради. Шунда қоплоннинг инидан нафақат қоплончалар, 6 ёшли ўғил бола ҳам тутиб олинган. Кейинчалик бу «қоплон»чанин атроф қишлоқлардан бирида ота-онаси борлиги аниқланди. Айтишларича, бундан икки йил муқаддам ўғлини далада олиб чиққан ота уни йўқотиб қўйган. Ушанда болани чакалақзорда яшовчи турт овқли «ота»си олиб кетган экан.

«ЧОПОН»ЛИ ҚЎЙЛАР

«Иши йўқ итини сугоради» деган нақлни эшитганмисиз? Бу мақол нақ австралияликларга айтилган чиқар-ов. Нима эмаш денг. Мариносо зотли қўйларнинг момик жунлари уз жозибасини йўқотиб қўймасликлари учун уларга махсус полиэтилен плёнкали «чопон» кийгизиб қўйлар экан. Ростданам кургур чупонларнинг бу ҳийласи хийла иш бераётган қуринади. Яъни, бу ҳукми Австралида жуннинг нархи ошганлигидан билса бўлади-да.

ana shunaqa gaplar

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти жамоаси табиёт-география факультети биология ва униқитиш услуботи кафедраси собоқ катта ўқитувчиси Ҳисомиддин ГАВСУДДИНОВ вафот этганлиги муносабати билан унинг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

S P O R T
ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ
Шахмат бўйича Тошкент шаҳри биринчилиги мусобақалари бугун ниҳоясига етди. Унда жами 62 шахматчи қатнашмоқда. Шулардан иккитаси спорт устаси, ўн биттаси эса усталикка номзод. Фолибларни қимматбаҳо совға ҳамда мақтаса арзигулик мукофотлар кутмоқда.

ВАДИМ КУЦЕНКОНИНГ ҒАЛАБАСИ
Теннис бўйича Ҳиндистонда ўтказилган энг нуфузли мусобақалардан бири ниҳоясига етди. Фолиблик ҳамюртимиз Вадим Куценкога насиб этди. Энг муҳими шуки, финалда Вадим яна бир ҳамюртимиз — Дмитрий Томашевич билан учрашди. Томашевич маглубият аламини татиб қурган бўлса-да, томошбинларнинг олқинларига сазовор бўлди.
ПРЕЗИДЕНТ КУБОКЛАРИ ТОПШИРИЛДИ
Яқинда 1997 йилги футбол мавсумининг энг яхши деб топилган қахрамонларига мукофотлар топширилди. Рустам Мирсоидқов, Павел Бугало, Жаъфар Ирисметовлар Президент кубогига эга бўлишди. Миллий терма командамиз аъзолари эса пул мукофоти билан тақдирландилар.
АЛВИДО...
Яна бир маҳоратли футболчи — Тбилисининг «Динамо» командасининг собоқ ҳужумчиси, собоқ СССР терма командасининг аъзоси Слава Метревели 62 ёшида ҳаётдан қўз юмди. Метревели катта футболдаги ҳаётда бир неча марта СССР чемпиони бўлган эди. Европа чемпионатида ҳам терма команда сафида дуруст ўйин кўрсатиб, олтин медални қўлга киритган эди.
СУВГА САКРАШ ОСОН ЭМАС...
Австралида сувга сакраш спорти бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда россиялик хоним — Юлия Пахомина яхши иштирок этиб, жаҳон чемпиони деган фахрли номга сазовор бўлди. Юлия 3 метр баландликдан сакраш борасида ҳаммадан устун эканлигини юз фоиз исботлади.

JOB ANNOUNCEMENT
United States Peace Corps in Uzbekistan is seeking applications from qualified persons for a full time position in the Tashkent office serving as Assistant to the Program Manager for the English Education Project. This position requires good administrative and organizational skills; 50% of the duties will be in this area, providing clerical support to the Program Manager. Other responsibilities involve interpreting and translating, writing reports, supporting volunteers in the field, developing new sites for volunteers, and designing and facilitating training sessions. The position requires fluency in spoken and written English and Uzbek, and knowledge of Russian. Applicants must have a university degree, some computer skills and be willing to travel throughout the country. Position will begin in late January. For more information, please contact the Peace Corps Office: 2nd Sapernaya Street 63-65, Tashkent, Phone: 54-92-96, 54-96-60, 54-94-84. Deadline for applications is January 30, 1998

ҚУТЛОВ
Қадрли муаллима-миз Раҳима РАҲМОНОВА! Сизнинг энг қувончли кунларингиздан бири — туғилган кунингиз — кутлуг 50 ёшингиз билан чин кўнгиладан табриқлаймиз! Шу боис, энг эзгу тилакларимиз, соғлиқ-саломатлик, хуш кайфият ҳаммиса ҳамроҳингиз бўлсин! Сизга эҳтиром ва ҳурмат билан собоқ ўқувчиларингиз номидан: Бойназар Ҳайдаров, Мамадиёр Облақулов, Мўтабархон Элмуродова, Рустам Жабборов. Самарқанд вилоти, Жомбой тумани, «Ҳақиқат» жамоа ҳўжалиги

Bilasizmi?
СИРЛИ НУРЛАР КАШФИЁТЧИСИ
Бундан деярли юз йил муқаддам жаҳоншумул бир кашфиёт юзага келган эди. Уша 1896 йил — Рентген йили деб эълон қилинган эди. 1896 йилининг қузида машҳур олим Вильгельм Конрад қора қоғозга ўралган крукс лампасига катта босимли электр қувватини улади. Стод устидаги платинани цинийрод барий кристаллари билан қопланган экран бирдан қўқимтир рангда ёришиб кетди. Вожааб, қўл суякларни экранда яққол кўришиб турарди. Шу тарихқа уша қуни фан тарихига рентген нурлари кашф этилган кун бўлиб кирди. Вильгельм Конрад Рентген 1845 йил 27 мартда Германиянинг Леннен шаҳарчасида туғилди. У ёшлик чоғларини онасининг қариндошлариникида ўтказарди. Кейинчалик у Цюрих политехника институтини тугатди. Унинг қобилиятига эътибор билан қараган машҳур физик Август Кундт уни ўзига ассистент қилиб олди. Бу ерда орадан кўп ўтмай Рентген докторлик диссертациясини ёқлайди. Янги нурлар сирийни кашф этди. Рентгеннинг шуҳрати ва кашфиёти тез ёйилди. У физиклар орасида биринчи бўлиб 1901 йилда Халқаро Нобель мукофотини олди. Ҳаётлигида, яъни 1923 йилда Петербургда Рентген институтини ҳузурда унинг ҳайкали ўрнатилди, бир кўчага Рентген номи берилди. Дунёда унинг номи билан аталган шаҳар, кўча, институтлар кўп. Туркистон ўлкасида биринчи Рентген кабинет 1921 йилда Тошкентдаги «Полтаракский», ҳозирги Тошкент давлат тиббиёт институти касалхонасида очилган эди. Бугунги кунда республикамизда рентген хонаси бўлмаган шаҳар ва қишлоқ деярли йўқ. Шу соҳа бўйича ўйлаб олинлар етишиб чиқди. Рентген 1923 йил 10 февралда Мюнхен шаҳрида 78 ёшида вафот этди. Унинг хоки Гисенга келтирилиб, онлавий мақбарога қўйилган. Вильгельм Рентген кашф этган сирли нурлар тиббиётда янги соҳа — рентгенологияга асос бўлди. А. АЛИЕВ тайёрлади



ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН — ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ
ҳамкорликда ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун инсон ҳуқуқлари бўйича энг яхши ўқув қўлланмасини яратиш бўйича
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Ушбу конкурс турт босқичдан иборат бўлади:
1-босқич — Ўзбекистон Конституцияси бўйича «Шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар» мавзуда дарс езиш.
2-босқич — «Инсон-ҳуқуқлари Умулжаҳон Декларацияси» мавзуда дарс езиш.
3-босқич — «Бола ҳуқуқлари» мавзуда дарс езиш.
4-босқич — Ўзбекистон Конституцияси бўйича бўлимларни ёзишни уз ичига олади.
«Шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар» мавзудаги дарслар Очйқ Жамият Институтига 1998 йилнинг 15 февралига тақдим қилини лозим. Ёзилган дарсларга қуйидаги талаблар қўйилади:
• Дарс мақсади
• Қўлланма ва материаллар
• Дарс бориши
• Қўшимча материаллар
• Дарс давомийлиги — 45 — 90 минут
• Еш категорияси — 8—11-синфлар
• Тили — узбек ёки рус тиллари
Конкурсда фақат Ўзбекистон фуқаролари қатнашини мумкин. Конкурсда ўқитувчилар, китоб муаллифлари, ўрта мактаб таълими соҳасида ишловчилар ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ишловчи маҳаллий ва халқаро ташкилот вакиллари қатнашини мумкин.
Энг яхши дарслар ўқув қўлланмага киритилди ва босмадан чиқарилади. Энг яхши муаллиф еки муаллиф гуруҳи 100 АҚШ долларига тенг мукофот билан тақдирланади (Марказий Банкнинг курси бўйича Ўзбекистон сумларида берилди).
Конкурс ҳақида тўлароқ ахборотни Очйқ Жамият Институтини илорасидан олинингиз мумкин. Бизнинг манзилими: 700070. Тошкент, Ивлес кўчаси, 41-уй (Ориентирлар — «Океан» магазини, Усмон Носир (Шота Гурстевли) кўчасидаги Турк коллежи). Телефонлар: (3712) 406854, 556160, 548243. Электрон почтаси shakho@osi.freenet.uz»

Ma'rifa
ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазири, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири, таълим ва фан ходимлари касоба уюшмиси Марказий қумитаси.
Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифини масъулдилар. Фойдаланилмаган мақолаларга эзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар қучаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» қучаси, 41-уй.
Навбатчилар:
Нурлан УСМОНОВ,
Рустам БОЙМАТОВ